

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИКА БОШЛАГАН № 38 (7428). 25 февраль, 1981 йил ЧОШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди 24 февраль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди. Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО раислик қилди. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездида ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилишда: Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. КУНАЕВ, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. РОМАНОВ, В. И. Ленин

номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг ишчиси В. Д. НАУМКИН, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. СОЛОМЕНЦЕВ, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Я. КИСЕЛЕВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ ўртоқлар қатнашдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар қарсақлар билан кутиб олган Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси ФИДЕЛЬ КАСТРО РУС, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ЛЕ ЗУАН ўртоқлар съездни табрикладилар.

Кеча Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди ўз ишини давом эттирди.

Съездда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар бўлмоқда.

ИЛҲОМБАХШ ИСТИҚБОЛЛАР

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Ҳозирги кунда бутун прогрессив инсониятнинг нигоҳи, диққат-эътибори Москвада, Кремлда қаратилган. У ерда КПССнинг тарихий XXVI съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Бирча совет кишилари, колхозчи-деҳқонлар, қатори бозорчи бригадалари аъзолари ҳам съезд ишини зўр ҳаяжон билан кузатишмоқда. Съездда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган ҳисобот докладини катта қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдамиз. Докладда партиянинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги навбатдаги вазифалари аниқ-равшан белгиланган. Биз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида конкрет вазифалар қўйилди.

Ҳар йили ҳар гектаридан 50 центнердан ошириб «оқ олтин» тошпирган эдилар. Тарихий съезд курсатмалари асосида 1981 йилда ютуқлар, янада мустақимлаймиш. Съезд белгиланган берган йўлдан бориб, партия кўрсатмаларини оқимай амалга ошириб, бу йил янги ютуқларни қўлга киритиш, ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олиш учун ҳаракат қиламиз. Бунинг учун шу кунларда замин яратилмоқда. Чингиз экинга ҳамма нарсани тахт қилиб қўймоқдамиз. Бригадани аъзоларининг аҳди қатъий. Улар, албатта, ўз сўзларининг улдасидан чиқадилар.

С. ГУЛАХМЕДОВА,
Бўна районидagi Ҳамза номи колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛИГИДА ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

23 ФЕВРАЛЬ

КЕЧҚУРУНГИ МАЖЛИС

Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларини, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишга киришдилар.

Музокараларни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. Гришин бошлаб берди. Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладидан жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги миллион-миллион кишиларнинг диққат марказида турди. Съезд партия билан халқнинг коммунизм ташаббуси йўлидаги курашида муҳим босқич бўлади, деб таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладидан ўзининг чўқур маъмули, уртага қўйилган вазифаларини кенг меъёри билан қўлди, ушунчалас таассурот қолдириб, партия билан мамлакатимиздаги учун ифтихор тўғрисида кўчирди. Докладда КПСС кўч қиррали фаолияти, совет халқининг фидокорона меҳнати йиллариди, халқаро аҳвол, жаҳон революцион янги турмуш ҳар томонлама таҳлил этилди, коммунистик қурилишнинг, халқлар тинчлиги ва ҳафизлигини учун курашининг навбатдаги ва озоқ муҳаббат вазифалари ишлаб чиқилди, партиянинг саноқини қилган йиллардаги бош йўли белгиланган.

КПСС Марказий Комитетининг докладидан — ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк ҳужжатидир. У партияни янги назарий ҳуслалар ва умумлашмалар билан қуролантиради, совет кишилари бундан бўёнги меҳнат зафарларига руҳлантиради.

Ҳисобот даврида Коммунистик партиянинг Совет жаҳондаги кучи сифатидаги, ишчилар сифининг, бутун халқнинг сийсий йўлбошчилиги сифатидаги роли янада кўпроқ ошди. Партиянинг зафарбахш марксизм-ленинизм байроғини бадалд кўтариб бормоқда. КПСС XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан йўлга муттасил амал қилмоқда. Бу йўл ўзининг тўричилигини, буюк ҳаётини кучини яққол кўрсатди. Совет жаҳондаги турмушнинг ҳамма соҳаларида узлуksиз тараққиётни таъминлади.

Халқаро майдонда, деди сўнгра нотиз, партиямиз, КПСС Марказий Комитетининг Сийсий бюроси, ўртоқ Л. И. Брежнев тинчлик программасини амалга ошириш соҳасида жуда катта иш қилдилар. КПСС қардош партиялар ва мамлакатлар билан биргаликда жаҳон социализм ва миллий озодлик кучлари позицияларини, со-

циал тараққиёт ишини мустақамлаш учун актив курашмоқда. КПСС Марказий Комитети, унинг Сийсий бюроси ўтказиётган принципал вазмин сиёсат кескинлигини компатишини сақлаб қолди, тинчликни мустақамлаш манфаатларига бўйсундирилган.

КПСС ички ва ташқи сиёсатининг муваффақиятлари — партиянинг, унинг Марказий Комитети, атоқли сиёсат ва давлат арбоби, улуғ Ленин иншонини содиқ давомчиси, коммунизм ва тинчлик учун отагини курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси ўтказиб келатган зўр сийсий ва ташқи-лотчилик ишонини патикасидир. Леонид Ильич партияга, Батанга, халққа садоқат билан хизмат қилиши туфайли мамлакатимизда, қардош социалистик мамлакатларда, ер юзининг барча софидли кишилари ўртасида чўқур ҳурмат ва юксак обрў-этиборга сазовор бўлди. КПСС йўналишлари, барча ератегик тараққиётининг, халқ турмушини яхшилашнинг энг муҳим масалаларида доир қатнашган тадбирлар ишлаб чиқилди, амалга оширилганлиги, тинчлик ва халқаро ҳафизлик, йўлданги актив кураш ўртоқ Брежневнинг номи билан, унинг тинчлик фаолияти билан боғланган.

Совет кишилари партия сиёсатини яққол билан маъқуллаб ва астойдил қўллаб-қувватлаб, совет Батанин равиққ тошпирди. Ер юзида тинчликни мустақамлаш йўлида қилинган ҳамма ишлар учун КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетининг Сийсий бюросига, Леонид Ильич Брежневга сизидилдан миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Съездда партиянинг бир миллиондан кўпроқ аъзосидан вакиллик қилаётган КПСС Москва ташкилотиде делегацияси, деди сўнгра ўртоқ В. В. Гришин, пойтахт коммунистларнинг, меҳнаткашларнинг фикри-зикри ва ҳис-туйғуларини изҳор этиб, Марказий Комитетининг Марказий Комитет Сийсий бюросининг, ўртоқ Л. И. Брежневнинг сийсий йўлини ва амалий фаолиятини, ҳисобот докладининг ҳамма қондалари ва ҳуслаларини тўла-тўкс маъқуллайдилар.

Шундан кейин нотиз москваликларнинг партия социализмнинг программасини амалга ошириш йўлидаги, Батанимиз пойтахтини намуна коммунистик шаҳарга айлантириш йўлидаги курашига батафсил тўхталиб ўтди. Кўпгина коллективлар, 300 мингдан кўпроқ илгор ишчи КПСС XXVI съездини муқосса кўтиб олиш учун мусобақалашиб, съезд олинган кунгага шу йилининг иккинчи ойи ва биринчи квартал

тошпирқларини бажариб бўлилар.

Шаҳар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда яхши натижаларга эришилди, деди, у. Шу билан бирга ҳисобот докладиди айниб ўтилган камчиликлар ва қи-йишчиликлар Москвага ҳам бевосита тааллуфди эканини англаб турибмиз. Шаҳар халқ хўжалигининг резервлари ва имкониятларидан тўла-тўкс фойдаланилмади. Москва партия ташкилотини шу камчиликларни тугатиш чораларини кўримоқда. Хўжалик механизмни тақомиллаштиришда, ишлаб чиқариш ва нарийм-техникавий потенциалдан яхшироқ фойдаланишда, иш самарадорлигини оширишда иштирокчи.

Шаҳарни ривожлантиришнинг кўпгина иқтисодий ва социал вазифалари ҳал этилиши, ишлаб чиқаришнинг фтирининг бардор сўртларини, халқ хўжалигининг дарajasи янада оширилиши таъминлаш, корхоналарни реконструкция қилиши ва техника билан қайта қуролантиришни жадаллаштириш лозим. Москваликлар мана шу вазифаларни бажариш учун сабот билан ишламоқдалар.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. Шиберицкий қуйидагиларни таъкидлади: КПСС XXVI съезди тарихга 80-йилларнинг чинакам бош сийсий воқеаси бўлиб қиради. Унинг тарихий аҳамияти аввало шу билан белгиланмоқдаки, ҳисобот докладиди ҳозирги замоннинг бутун инсониятни гоят тўққизлаштиратган энг зарур саволларига тўла-тўкс жавоб берилди, халқнинг ҳаётини манфаатларига мос бўлиб тўшадиган навбатдаги кенг қўламли вазифа

лар аниқ қилиб ўртага қўйилди, шу вазифаларни ҳал этишнинг конкрет йўллари кўрсатиб берилди.

Съездда 2 миллион 934 минг коммунистдан вакил бўлиб қатнашган Украина Компартияси делегатлари ҳисобот докладиди баён этилган жаҳонки қондалар, ҳуслалар ва вазифаларни. КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш, самарали фаолиятини тўла-тўкс маъқуллайдилар.

Мамлакат тараққиётининг улутвор тинч бўлибдорлик программасини баён этилган асосий йўналишлари лойиҳасининг умумхалқ муҳокама-си давомиди коммунистлар ва партиячилар КПСС Марказий Комитети, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сийсий бюроси партиянинг ленинчи ички ва ташқи сиёсатини қатъий ва сабот билан амалга ошириб келатганлигини зўр мамуният билан таъкидладилар.

Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайлов даврида партиямиз билан давлатимиз партиянинг, содиқ ленинчи ва тинчлик учун матонатли курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бутун планетадаги революционерларнинг астойдил миннатдорчилигига сазовор бўлганини, кенг давлат ва амалиёт доиралари ўртасида юксак обрў-этибор, ҳолис интили барча кишилар сониди гоят чўқур ҳурмат билан эътиборини коммунистлар уқтириб ўтишди. КПСС Марказий Комитети, унинг Сийсий бюроси ва секретариатининг шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг бутун фаолияти — ленинча услубини, Ленин васиталарини, партия турмушини нормалари ва принципларини амалда рўбга чиқаришнинг ажойиб намунасидир. Шу сабабли совет кишилари давлатга сийсий раҳбарлик

рули ишончи қўлларда эканига аминдилар.

Нотиз ўнингч беш йилликда Совет Украинанининг ривожини таъсирлаб, бутун мамлакат қабил бу республика ҳам ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда, иқтисодий турмушнинг барча соҳаларини тақомиллаштиришда, халқ маданияти ва фаровонлигини оширишда шайхон олим қўйганини айтди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қарийб учдан бир ҳисса қўлайди. Планлардан ташқари 4,8 миллиард сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Қишлоқ хўжалигининг янги маҳсулоти аввалги беш йилликка нисбатан 11 процент кўпи етиштирилди. Социал программа бажарилиди.

Совет Украинанининг муваффақиятлари — меҳнат коллективлари фидокорона, ижодий ишонини, партия ташкилотлари аниқ мақсадни қўлаб олиб борган актив фаолиятини, КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати доимо бериб келатган ёрдамнинг, барча қардош иттифоқдош республикалар мустақам, амалий ҳамкорлигининг натижасидир.

Биз экономикани асосан иттенсив тараққиёт йўлига ўтказишни ниҳонсига етказиш вазифасини амалга оширар эканмиз, ўтган беш йилликда белгиланган марраларнинг баъзиларига эришмаганини эътиборга олиб, бутун куч-гайратини ишлаб чиқариш потенциалини янада оқилона фойдаланишда, фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришга қаратамиз, деб таъкидлади нотиз. Илмлаштиришнинг тармоқ программаларини тўлаш методини қўлашанига, илм-фаннинг таж-

риба — ишлаб чиқариш базасини мустақамлашга, иқтисодий тежаниш ва хўжалик ҳисобини кучайтиришга биринчи даражали аҳамият берамиз.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездида ҳисоботида оғир индустрияни, аввало унинг базавий тармоқларини янада ривожлантиришнинг, ишлаб чиқариш қувватларини янада яхшилашнинг, озиқ-овдат программасини ишлаб чиқариб, амалга оширишнинг алоҳида муҳимлиги, тан интизомига нисбатан талабчанлиги жуда кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Нотиз, аниқсиз планларнинг асосланган, мутасоиб бўлиши, яъни реал бўлиши учун план органларига, министрликларга ва идораларга нисбатан талабчанлигини қатъий олишнинг муҳимлигини таъкидлади.

Съезд ишлаб чиқарган улутвор программани амалга ошироқ учун, деди у, партия билан халқ зўр куч-гайрат сарфлашлари, камчиликларни тугатиш учун муросасиз кураш олиб боришлари, ижодчилик интизомини оширишлари, бутун ташкилотчилик ва идеология ишонини янада тақомиллаштиришлари лозим бўлади. Шу сабабли биз бундан буюн ҳам бошлангич партия ташкилотларининг активлигини кучайтиравемиз, партия, комитетларининг иш услуби ва методларини тақомиллаштиравемиз, барча ҳодимларга юксак сийсий маданиятини қўи билан сингдиравемиз.

Нотиз КПСС Марказий Комитетининг ички сийсий фаолияти масалаларига катта эътибор берди. Биз мамлакатдаги барча миллат ва элаларнинг бузилмас дустлигини ҳамда муқаддас бирлигини бундан буюн ҳам қўзғолтиридик ардоқлаб асраймиз, чунки мана шу мети-дек жиқисик, партиянинг синналган қўрбарлиги, коммунистик идеалларга қомил ишонч — бизнинг энгилмас кучимиздир, деди у.

Украина Коммунистик партияси КПССнинг жанговар ишончилиги отряди, партия Марказий Комитетининг содиқ таъини бўлиб келди ва ҳаминча шундай бўлиб қолади. Совет Украинанининг коммунистлари, халқи Ленин партиясининг XXVI съезди қабул қилганган тарихий қарорларини амалга ошириш учун ҳамма ишни қиладилар.

Қаҳрамон СССР Қуролли Кучларининг вакиллари жанговар байроқларини кўтариб залга тантанали равишда кириб келадилар. Генерал-майор Ф. М. Кузьмин ўқиб эшиттирган ҳарбий табрикнома сузалар партияга, халққа садоқат қасамини бўлиб лиғлади. (Ф. М. Кузьминнинг табрик сўзи газетанин 2-бетиди босилмақда).

Некчурлиги манлис елпик деб эълон қилинади.

КПСС XXVI съезди 24 февральда ўз ишини давом эттирди. (Давоми 3-бетда).

ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАР ҒОЛИБЛАРИ

КПСС XXVI съезди шарофига областимиздаги ва пойтахт шаҳардаги юзлаб саноат корхоналарида «XXVI съездга — 26 зарбдор ҳафта» ширин остида социалистик мусобақа кенг авя олдирилди. Тошкентдаги асбосозлик заводи ички ва хизматчилари ҳам ана шу меҳнат беллашувида актив иштирок этишди. Мусобақа мобайнида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди, ойлик ва квартал планларининг муддатидан илгарини бажариллиши учун курашилди.

КПСС XXVI съезди очилган кун сменадан сўнғ завод ҳовлисида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Партиямиз олий анжумани очилишини бағишлаб ўтказилган бу митингда ана шу зарбдор ҳафта таъинларини сўнги 26-ҳафта таъинларини, 2-кунинг пешкада ишчилиги, ўзининг беш йиллик зарбдори Саня Кемалова сўнги зарбдор

ҳафталик ғолиби деб топилди ва унга корхонанинг кўчма вишпели абадий сақлаш учун тақдим этилди. Шаҳар Советининг депутаты С. Кемалова съезд очилганидан кунгача 1981 йилининг биринчи квартални шахсий планини бажариб.

Ерданми ишлаб чиқариш бўлими Ибнз Фурӯзбекнинг ғолиби деб топилди. Бу пешкада электромонтерга ҳам самарали ва сифатли иш учун корхона кўчма вишпели ва пул мукофоти тантанали равишда тақдим этилди.

Съезд очилишига бағишлаб ўтказилган бу митингда лешкада ишчилар Саидкамр Мухиддинов, Саидриддин Эржонов ва завод партия комитетининг секретари С. Ажибековлар сўзга чиқиб, КПСС XXVI съезди шарофига олганига юксак социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилгани, съезд ишчилиги янги режалар ҳақида гапирдилар.

Х. АЛИМОВ.

ПЎЛАТ ОҚИМИ КЎПАЯДИ

НИХОЯТ, орзиқиб қутилган тарихий воқеа — КПСС XXVI съезди Кремлда ўз ишини бошлади. Қўҳна ва навирион заводимиз ишчи-хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қилган ҳисобот докладини зўр қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Бу тарихий ҳужжатда қудратли ва жононат мамлакатимизнинг бутун дунёда тинчликни мустақамлаш учун олиб боратган ташқи ва ички сиёсати, экономикани янада юксалтириш йўлида халқ фаровонлиги аниқ ошаётганлиги ва бошқа соҳадаги муваффақиятлар ўз аксини тошган.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладиди мамлакатимиз металлургия саноати ривожлангани, кейинги ўн йилда халқ хўжалиги ундан аввалги ўн йилликка нисбатан 460 миллион тонна кўп пў-

лат олганлиги таъкидланган. Бу сатрларни ўқиб бизнинг металлургиямиз ҳам ҳақли равишда фахрланидлар. Чунки, мана шу миллионларда коллективизмининг ҳам камтарини улутини бор, ўтган беш йилликда завод ҳузурида юқори сифатли пўлат ишлаб чиқарадиган электр пўлат эитиш комплекси қуриб фойдаланишга тошпирди. Бу комплекснинг ҳар бири 250 минг тонна пўлат бериш қувватига эга бўлган учта печи ҳозир коммунизм учун хизмат қилмоқда. Унинг бирида улкан прокат станки қурилиши бошлаб юборилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин ва сермаъмур докладиди коллективизмни янги зафарлар сари илҳомлантиради.

М. ЖАМОЛИДИНОВ,
В. И. Ленин номи Ўзбекистон металлургия заводи, партия комитетининг секретари.


КПСС XXVI СЪЕЗДИГА ТАБРИКНОМАЛАР

Партия, совет, касаба союзу ва хўжалик органларидан, саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхоз коллективларидан. Совет Армияси ва Флотини жангчиларидан, илмин муассасалар ва ўқув юртиларидан, ижодий ва жамнат ташкилотларидан, коммунистлар, номсозлар ва ёшлардан, батанимиз меҳнатлашларидан, шунингдек

чет эл коллективлари, ташкилотлари ва айрим-гражданиларидан КПСС XXVI съезди номига қўлбал табрикномалар, қўлтовлар ва меҳнат рапортлари келиб турибди.

Съезд Президиуми бу ҳақда съезд делегатларини хабардор қилишни зарур, деб топди.

(ТАСС).



МОСКВА, Кремлнинг Съездлар саройи. 23 февраль. Совет Қуролли Кучлари делегацияси съездни табриклом оқда.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ
КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТИ
Комиссия раиси ўртоқ Г. Ф. СИЗОВ доклади

(TACC).

